# Қўлимиз кўксимизда

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекларнинг ўзига хос энг гўзал одатларидан яна бири бу ўзидан катталарга ҳурмат кўрсатишда исмига «ака», «опа» каби сўзларни қўшиб айтишдир. Бугун нафақат кўп миллатли юртимиз фуқаролари, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган чет элликлар учун ҳам «ака», «опа» сўзларини ишлатиш одат тусига айланган.

Украина Президенти Леонид Кучма Ўзбекистонда бўлганида Президентимиз билан Самарқандни зиёрат қилиш чоғида бир гуруҳ оқсоқоллар билан учрашишди. Аввал Юртбошимиз ўнг қўллари кўксида салом бериб, улар билан биттабитта кўришдилар, бағриларига босдилар. Телевизор орқали кузатиб турар эканман, Юртбошимиздан сўнг Леонид Кучма ҳам дарҳол ўнг қўлини кўксига қўйиб оқсоқоллар билан самимий кўришаётганини кўриб таъсирланиб кетдим. Украина раҳбари аэропортда ҳам Президентимиз, кузатувчилар билан хайрлашиб трапдан кўтарилгач ўгирилиб, ўнг қўлини кўксига қўйиб таъзим қилди.

Ўрни келиб қолди, кузатишларимдан келиб чиққан ҳолда яна бир мулоҳазамни айтиб ўтай.

Юртбошимиз қачон қайси даврада бўлмасин, у катта анжуманми, халқ билан учрашувми, доимо ўнг қўллари кўксида «Ассалому алайкум», деб кириб келадилар. Одамлар уларга талпинади. Қўлларини олиб кўришишга, бир оғиз бўлса ҳам сўзлашишга ошиқишади. Юртбошимиз ҳам доимо халқ томон интилади. Негаки, уларни севади, яхши кўради. Борлиғини, бутун ҳаётини, куч-қувватини, ақл-заковатини шу эл учун, унинг фаровонлиги учун бағишлаганлари ҳар бир хатти-ҳаракати, юз-кўзи, сўзидан сезилиб туради. Аммо, бироз ноқулай бўлса-да, айтай, нега айрим вилоят, туман раҳбарлари, баъзи корхоналарнинг бошлиқлари тўғрисида бундай фикр билдиролмаймиз? Баъзилар қўл остида меҳнат қиладиган одамларнинг саломига алик олса ҳам эгаллаб турган мансабидан тушиб қоладигандай, қўлини кўксига қўйса, бор ҳурматидан айриладигандай тутади ўзларини. Наҳотки, улар учун одамлар билан юзлашганда қўлини кўксига қўйиб, икки оғиз самимий ширин сўз айтиш шунчалар қийин бўлса?!

Бугун ўзбек курашининг парвози туфайли айнан ўша биз юқорида таъкидлаб ўтган гўзал одат бутун дунёга тарқалди. Америка, Европа, Осиё, қўйингки, жаҳоннинг қайси бир ҳудудида бўлмасин, полвонлар оддий машқдан тортиб нуфузли халқаро мусобақаларгача қўллари кўксида ўзбекона таъзим билан кураш бошлаб, шу ҳолатда якунламоқдалар. Ҳатто ҳакамлар ҳам ана шу қоидага амал қилишмоқда. Кураш орқали ўзбек ахлоқининг яна бир гўзал намунаси дунёга ёйилмоқда.

Ҳар гал одам ана шу ҳолатларни кўрганда севинчдан юраги тўлқинланиб кетади, ғурурланади, завқланади. Бугунги кунда дунё мамлакатларидаги юзлаб жисмоний тарбия ва спорт институтларида, мактабларида ўзбек кураши бўйича мутахассислар тайёрланмоқда. Демакки, улар ҳаётига, руҳиятига ўзбек ахлоқи кириб келмоқда. Кураш туфайли бугун дунёнинг қўли кўксида!

Шу ўринда айрим мулоҳазаларимни айтиб ўтмоқчиман. Биз кўпинча япон мўъжизасининг асоси сифатида мазкур давлат халқини бирлаштириб, юксак тараққиётга бошлаган «япон ахлоқи», «япон руҳи» деган атамаларни ҳайрат билан тилга оламиз. Японларда бу ахлоқ меъёрларидан чекиниш маданиятсизлик саналади. Шунинг учун жамиятда, ким бўлишидан қатъий назар, ҳар бир япон фуқароси унга сўзсиз амал қилади. Назаримда, бугун биз ҳам минг-минг йиллик қадриятларимиз, энг эзгу одат ва анъаналаримиз асосида Ватанимиз фуқаролари учун ягона, жамиятда уларнинг маънавий қиёфасини акс эттириб турадиган, ҳамжиҳатлигининг рамзи, ифодаси бўлган гўзал ахлоқ мажмуасини-умуммаданиятни шакллантириш ҳақида ўйлаб кўрсак ёмон бўлмасди.

Юракдан айтилган сўз юракка етиб боради, уни уйғотади, фикрлашга, изланишга ундайди дейдилар. Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунига бағишланган тантанали йиғилишда айтган «Ватанимиз мадҳияси янграганда, мадҳия айтганимизда ҳар биримиз ўнг қўлимизни кўксимизга қўйишни одат қилсак, бу муқаддас қўшиққа шундай эъзозимизни, ҳурматимизни билдирсак», деган сўзлари бир фуқаро сифатида менга ўзгача таъсир қилди.

Ҳа, Юртбошимиз айтганларидек, Ўзбекистон мадҳияси энг юксак, энг улуғ ҳурмат ва эъзозга лойиқдир. Ахир оталаримиз мустабид тузумнинг ўзга миллатларни камситувчи мадҳияси ўрнида кўнглимизда миллий ғурур ва қудрат уйғотувчи, миллий ифтихоримиз рамзи сифатида ўз мадҳиямиз бўлишини қанчалар орзу қилишган. Бугун мамлакатимиздаги минг-минглаб ўқув юртларида, айниқса, янги ташкил этилган замонавий Ўзбекистон Давлат байроғи кўтариладиган маросимда кўзлари чақнаб мадҳиямизни айтаётган ёшларни кўрганингизда тўлқинланиб кетасиз.

Ўнг қўлимизни кўксимизга-юрагимизга қўйиб, Ватан мадҳиясини куйлаш, кексаю-ёш барчамизнинг шу муқаддас юрт олдидаги фуқаролик бурчимиздир. Мадҳия оҳанги, уни ижро этиш кишига шижоат, ҳузур бағишлайди. У музаффарлик тимсоли!

Шундай экан, бу улуғ қўшиқни айтаётганда ўнг қўлимизни кўксимизга қўйишимиз бу, энг аввало, истиқлолимиз, Ватанимиз, халқимиз салоҳиятига, юртимиз келажагига ҳурматимиз бўлади.

Шунинг учун ўнг қўлни вужудимиз гавҳари — юракка қўйган ҳолда мадҳия айтмоқ, таъбир жоиз бўлса, Ватан равнақи, шарафи йўлида улуғ масъулиятни зиммага олган ҳолда ботинан қасам ичмакка ўхшаб кетади. Қасамки, юртни севишга, элни ҳурмат қилмоққа, иймонли, юксак ахлоқли, шу азиз Ватанни асраб-авайлаш, унинг истиқболи йўлида фидойи бўлмоққа қасамдир.

Истиқлол орзуси, шу юракда туғилган, у бизни озодлик йўлида курашга ундади, бугун эса музаффар эл сифатида дунёга танитмоқда, ёруғ кунларга олиб чиқмоқда. Барча изланишлар, эзгу ниятлар, мақсадлар, Ватан, эл-юрт меҳри — бутун Ўзбекистон истиқболи шу юракдадир. Ҳамиша ягона маданиятимиз, ахлоқимиз, Ватанга, бир-биримизга меҳримиз, ҳурматимиз, ишончимиз тимсоли сифатида ўнг қўлимиз юрагимизда-кўксимизда бўлсин.

# ХАЛҚАРО РЕЙТИНГ БЕРИЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

ҳамкорликнинг корреспондентлик муносабатлари, амалий учрашувлар чоғидаги шахсий алоқалар каби анъанавий усуллардан ҳам, «Интернет» воситачилигидаги ҳамкорлик ва халқаро банк ҳамжамияти ва ташкилотлари билан алоқаларда фаол иштирок этиш усулларидан ҳам самарали фойдаланилмоқда.

Банк SWIFT жаҳон банклараро молиявий телекоммуникациялар ҳамжамияти аъзолигига қабул қилинган. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи энг нуфузли банклардан бири эканлиги жаҳон молия олами томонидан ҳам эътироф этилди. Жумладан, молия муассасасининг 1998 йилдаёқ қишлоқ ва қишлоқ хўжалигини кредитловчи Осиё-Тинч уммони ассоциацияси (АПРАКА)га аъзо бўлиб кирганлигининг ўзиёқ унинг жаҳон банк тизимида ўзининг муносиб ўрнини эгаллаб бораётганлигини кўрсатувчи далилдир. Осиё ва Тинч уммони минтақасидаги 21 мамлакатнинг қишлоқ хўжалиги йўналишидаги 57 та банк ва молия институтларидан иборат жаҳондаги салоҳиятли ва нуфузли молия институтларидан бири ҳисобланувчи ушбу Ассоциация қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг молиявий тамойилларини режалаштиришни рағбатлантириш, қишлоқ ва қишлоқ хўжалигини молиялаш ва кредитлаш соҳасидаги давлатлараро тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш, тармоққа молиявий хизмат кўрсатиш бўйича ахборотларни ўзаро мунтазам айирбошлаш ва уларни амалиётга жорий этишни мувофиқлаштириш мақсадида ташкил этилган.

«Пахта-банк»нинг жаҳон банк ҳамжамияти билан интеграциялашуви йил сайин чуқурлашиб бораётганига яна бир мисол унинг Қишлоқ хўжалигини кредитлаш халқаро Конфедерацияси (КИКА)га аъзо бўлганлигидир. Ушбу нуфузли ташкилот Иккинчи жаҳон уруши тугаганидан сўнг Ғарбий Европанинг бир гуруҳ қишлоқ хўжалик ва кооператив банклари ташаббуси билан ташкил этилган бўлиб, ўзининг ҳозирги кўринишида 1989 йилда таъсис этилган. Ҳозирги пайтда, қишлоқ хўжалиги соҳасида кредитлар берувчи ёки уни олишга кўмаклашувчи жаҳоннинг барча қитъаларидан 36 давлатнинг қишлоқ хўжалик йўналишидаги 165 та банклари ҳамда молия ташкилотлари, шунингдек, фаолият мақсади қишлоқ хўжалик кредитини ривожлантириш ёки уни ўрганишдан иборат бўлган минтақавий, миллий ёки халқаро ташкилотлар КИКА аъзолари саналади. Улар сирасига Франциянинг «Креди Агриколь», Нидерландиянинг «Рабобанк», Германиянинг «Дойчегеноссеншафтсбанк», Австриянинг «Райффайзен-централь-банк» каби банклари ва бошқа йирик ҳамда таниқли банклар киради. «Пахта-банк» бошқарувининг раиси КИКА Марказий қўмитаси аъзоси ҳисобланади.

Айтиш жоизки, бундай нуфузли халқаро банк ва молия институтлари билан амалий ҳамкорлик самаралари «Пахтабанк» фаолиятида яққол намоён бўлмоқда. Хусусан, куни кеча мазкур банк ҳамда Европа Тараққиёт ва тикланиш банки ўртасида республикада кичик ва ўрта бизнесни молиялаш мақсадида 15 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кредит шартномасини имзолаш маросимининг бўлиб ўтгани бунинг тасдиғидир. Дарҳақиқат, бундай ҳамкорлик алоқалари мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланишига кўмаклашиш, хусусан, аграр тармоқдаги тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш борасида кенг кўламли тадбирларни амалга ошириш имкониятларини яратади. Шунингдек, Осиё Тараққиёт банкининг ҳам «Пахта-банк» тизимини ривожлантиришга ажратган гранти, шунингдек, банк орқали кичик ва ўрта бизнес субъектларини молиялаш учун очишни мўлжаллаётган яна 15 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кредит йўналиши фикримизнинг яққол далилидир.

Ўз навбатида, Жаҳон Ривожланиш ва тараққиёт банки томонидан «Пахта-банк»ка республикамиз қишлоқ хўжалик корхоналарини жалб қилинган хорижий кредит йўналишлари ҳисобидан молиялашга розилик ва ишонч билдирилди ва у молиявий агент сифатида танлаб олинди. Айтиш жоизки, банк бундан буён ҳам халқаро миқёсдаги фаолиятини изчил амалга оширишни, хорижий банк-молия ташкилотлари билан ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашни давом эттиради. Уларнинг барчаси республикамизда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга хизмат қилиши шубҳасиз.

# “Аммофос”: маҳсулот ҳажми ортмоқда



*Олмалиқ “Аммофос” ишлаб чиқариш бирлашмаси мамлакатимизда фосфор ишлаб чиқарадиган учта корхонанинг энг йиригидир. Бу ерда мамлакат эҳтиёжи учун ишлатиладиган шу хилдаги минерал моддаларнинг етмиш фоизи тайёрланади.*

*Бугунги кунда корхона бир маромда ишламоқда. Жамоа аъзолари жорий йилнинг ўн ойи мобайнида ўтган йилга нисбатан бир ярим миллиард сўмлик кўп маҳсулот ишлаб чиқаришга эришди. Истеъмолчиларга 260 минг тонна ўғит етказиб берилди. Унинг 65 минг тоннаси хорижлик харидорлар ҳиссасига тўғри келади.*

*— Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш билан бирга унинг таннархини арзонлаштириш имкониятларини ҳам қидиряпмиз, — дейди корхона ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Баҳодир Содиқов. — Бу соҳада, энг аввало, хомашё масаласини ижобий ҳал этишга тўғри келади. Ўғит учун зарур асосий компонентлар Қозоғистондаги Қоратов конларидан олиб келинмоқда. Бу эса маълум қийинчиликларни туғдиради. Шу боисдан ҳам ишлаб чиқаришда маҳаллий хомашёдан кенг фойдаланишни йўлга қўйиш керак.*

*Айни вақтда кимёгарлар буюртмасига кўра республика кончилари Қизилқум саҳроларида топилган фосфорга бой маъданларни қазиб олишни йўлга қўймоқда. Бу ерда фосфорни бойитиш фабрикаси қурилиши ҳам жадал олиб борилаётир. У ишга тушса, нафақат “Аммофос”нинг, балки мамлакатимиздаги барча ана шундай корхоналарнинг хомашёга бўлган эҳтиёжини тўла қондириш мумкин бўлади.*



**СУРАТЛАРДА:** заводнинг умумий кўриниши; марказий бошқариш пультида.

**Д. ЮСУПОВ олган суратлар.**

# Фестивал якунланди

Куни кеча пойтахтимизда Индонезия миллий таомлари фестивали бўлиб ўтди. Индонезия элчихонаси, «Бузтел» уяли алоқалар компанияси ҳамда «Буми Тошкент Интернэшнл» меҳмонхонаси ташаббуси билан ўтказилган ушбу тадбир Ўзбекистон ва Индонезия халқлари ўртасидаги алоқаларни янада кенгайтиришга қаратилган.

Индонезиянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Рони Ҳидоят Гастино жаноблари элчихона Ўзбекистон билан Индонезия ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлашни ўзининг асосий вазифаси деб ҳисоблаётганини таъкидлади. Индонезия халқининг Ўзбекистонга бўлган қизиқиши катта. 1960 йили Индонезиянинг биринчи президенти жаноб Сукарнонинг Имом ал-Бухорий мақбарасини зиёрат қилиш учун Самарқандга келгани ҳам бу кўҳна заминнинг Ислом дунёсидаги ўрни беқиёс эканидан далолатдир.

Тадбир давомида меҳмонлар нафақат Индонезия миллий таомларидан татиб кўрдилар, балки миллий рақс ва мусиқаларидан ҳам баҳраманд бўлдилар. Сўзга чиққанлар бундай маданий тадбирлар халқларимизни бир-бирига яқинлаштириши, пировард натижада, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликнинг кенгайишига хизмат қилишини алоҳида таъкидлашди.

**Ўз мухбиримиз.**



# Уннинг нархи қанча?

«шапкаси»-чи?

(Фельетон)

***Шўрчи туман иқтисодиётидаги ишларнинг якунига бағишланган йиғилиш жиддий бошланувди. Кулги билан якун топди. Кулгига йиғилиш иштирокчиларидан бирининг туман истиқлолни белгилаш ва статистика мажмуи раҳбари, ҳоким ўринбосари Равшан Бойназаровга туман савдо дўконларида уннинг нархига «шапка» қўйиб харидорга сотиш, харидор ҳақидан уриб қолиш қачонгача давом этади? Бундай ҳолатларнинг олдини олиш юзасидан кўрган чора-тадбирларингиз самараси нега сезилмаяпти, деб ташлаган саволи сабаб бўлди.***

**Олимжон УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Саволни эшитиб Бойназаровнинг узук таққан бармоқлари минбар узра худди доира чертаётганга ўхшаб ўрмалаб қолди: «бу саволга жавоб бермоққа мен... тайёр эмасман», деди.

Кўриб турибсизки, савол оддий, жавоб ҳам мураккаб эмас. Лекин моҳиятга эътибор бериброқ қарасангиз ўринбосарнинг бармоқлари беҳудага ўйинга тушмаганига ва шу баробарида йиғилиш қатнашчиларининг миййиғида истеҳзоли кулги пайдо бўлганига ажабланмагандай бўласиз.

Демак, эшитинг:

Шу йилнинг бошида туманда 10-ўрта умумтаълим мактабининг бир гуруҳ ўқитувчилари Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Савдони эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори доирасида сотилаётган ун давлат томонидан белгиланган нархдан бир қадар қимматига сотилаётгани хусусида тегишли идораларга мурожаат қилишди. Шу мурожаат туртки бўлиб туман газетаси 2000 йил 1 июн куни «Ун нега қиммат?» деган сарлавҳа билан бонг урди. Бир халта — 50 кило ун сотиб олган II гуруҳ ногирони Ортиқ Жўраевдан дўкон мудири 514 сўмгача ошиқча пул олганлиги ва бошқа ҳолатлар ҳақида мақолада баён этилди.

Бевосита ўзига тегишли бу гаплар билан қошларини чимириб танишиб чиққан Бойназаров «Масалага дазмолни бир қиздириб боссак, ҳаммаси текис бўлиб кетади» деганди. Бу билан у вилоят газетасининг (1999 йил 25 август) Шўрчида бир халта — 50 килограмм уннинг нархига 1000 сўмгача «шапка» қўйиб сотилаётгани тўғрисидаги танқидий мақолага ўша пайтда ўзи билдирган муносабатни такрорлагандай бўлганди.

Лекин масалага совиб қолган дазмол босилганмикин, ҳеч текисланмади, Бойназаров туман ҳокимлигига бирон тайинли таклиф билан чиқмади, ғирромлик тегирмонлари эса айланаверди, одамларнинг ва айрим жамоа ташкилотларининг унни давлат белгилаган нархдан қимматига сотиш, унни нотўғри тақсимлаш, ишлаб чиқаришга ажратилган хомашёни ғайри қонуний равишда чакана савдога чиқариб сотиш давом этаётгани ҳақидаги оғзаки ҳамда ёзма мурожаатлари эътиборсиз қолаверди. Бошқа туманлардаги шунга ўхшаш камчиликлар ҳам қўшимча бўлиб, вазият ниҳоят вилоят ҳокимлиги томонидан ўрганилганидан сўнггина масала бир қадар ойдинлашди. Ташаббус ва изланувчанлик ўрнига давлат менга ун ва ўсимлик ёғи етказиб берса сотаман, яъни берсанг еяман, урсанг ўламан қабилида қўл қовуштириб ўтирадиган савдо ташкилотлари фаолиятига тегишлича баҳо берилди. Куйишқондан чиққанлар тартибга чақирилди, кимдир ишдан бўшатилди. Кимларгадир ҳайфсан берилди. Вилоят ҳокими қилиб берган бу ишлардан ажабсинибми, Бойназаров ҳам ҳақиқат бор экан-ку, деб кўнгли шавқу завққа тўлиб чапак чалди. Ахир ун савдосини тартибга солиш учун нима иш қилгансиз, деб бирор одам бериб қоладиган саволга вилоят ҳокими тайёрлаб берган жавобни такрорлаб юраверишни... маза эмасми?

Бизнингча, унинг шавқу завққа берилганининг бошқа бир сабаби ҳам бор эди. Чунки қораси ўзига ҳам тегиб кетиши мумкин бўлган бир ишкал қозон, ёпиқлигича қолган эди-да.

Яна эшитинг:

Шўрчида шундоғ дўппини отсангиз, бирон савдо ташкилотининг идорасига бориб тушади. Ҳар бир идорада табиийки раис, ҳисобчи, товаршунос, сотувчилар ва ҳоказо. Уларнинг ҳаммаси жилла қурса Тошкентдан мол олиб келиб, савдога чиқарсаларчи. Аксинча, ҳаммаси нуқул ун сотишга иштиёқманд. Бу ерда билсангиз, айрим жамоатчилик асосидаги жамғармалар ҳам ун савдо-сотиғи билан шуғулланишади.

Еттита савдо идораси Шўрчининг 130000 аҳолисига ун сотишга улгуролмай қолган бўлса керакки, туман ҳокимининг 1999 йил 2 сентябрдаги 63-қарорига мувофиқ бу ерда «Бинокор» савдо ва ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти ташкил этилди. 2000 йил 25 январ куни туман ҳокимлиги вилоят «Сурхонсавдо» акционерлик компанияси бошқаруви раисига 19-Ф рақами билан хат юборди. Р.Бойназаровнинг номи ёзилган, унинг қўл остида ишлайдиган ходими Ҳамза Қулматов имзо чеккан ва унинг яна бир ходими — туман статистика бўлими бошлиғи М.Саттаровнинг муҳри туширилган бу хатнинг иловасига «Бинокор» савдо ишлаб чиқариш жамиятига ҳам 2200 аҳоли учун 8-турдаги кундалик эҳтиёж молларини ажратиш сўралди. Ана шу сўров хатига асосланиб «Сурхонсавдо» компанияси шу йилнинг феврал ойидан то ноябр ойига қадар Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига биноан «Бинокор»га 75 тонна ун ажратиб берди.

Мен Бойназаровга «Бинокор»нинг зиммасига йилнинг 1-чорагини истисно қилганда аҳолига давлат таъминоти ҳисобидан ун сотиш юклатилмаганини, демак «Бинокор» феврал, март, июл, август, сентябр,октябр ойларида олган 48 тонна унни ўзи истаган томонга, ўзи истаган нархлар билан сотиб юборганини эслатдим. Бойназаров елка қисди. «Бинокор»нинг ҳатто, ҳов, биз юқорида эслатган 19-Ф хати иловасига киритилганидан бехабарлигини, бу хат компьютердаги «болалар» томонидан чиқариб юборилган бўлиши мумкинлигини айтди. Мен унга ўзининг имзоси билан битилган ва «Бинокор» савдо ташкилотига май ойи заҳираси ҳисобидан 5 тонна ун беришингизни сўрайман, деб «Сурхонсавдо» акционерлик компанияси раисига ёзилган 01-11/59 рақамли хатини кўрсатувдим Бойназаров яна елка қисди.

— Агар «Бинокор»нинг раиси Шерқобил Равшановдан бир буханка нон тама қилган бўлсам, тишларим синиб тушсин, — дегандай гап қилди.

Ўшандан буён Бойназаровнинг бирон тиши синганини билмаганимиз сингари унинг «Бинокор»га кўрсатган ҳимматларига яраша ҳиммат қайтганидан ҳам бехабармиз. Лекин бизни яна «Бинокор»га маҳалла аҳолисини ун билан таъминлаш масъулияти юклатилмаган бўлса, «Бинокор»нинг касса аппарати тугул, ҳатто дўкони бўлмаса нега энди унга бунчалик имконият ва эрк бериб қўйилди деган саволимизга Бойназаровнинг елка қисиб жавоб бергани ажаблантиради. Ҳатто бу ҳолатни ўрганиш учун вилоятдан келган текширувчиларнинг назарига «Бинокор»нинг бу қилмишлари илашмай қолгани, унни дўконларга тўғри тақсимламагани учун кўпгина ташкилот раислари ишдан бўшатилиб турган пайтда, «Бинокор»нинг раиси Шерқобил Равшановнинг фаолияти устидан мулойим андоза юритиб қўйилгани оз эмас 48 тонна унни талон-тарож қилганларнинг тиши қоқилмай қолгани бизни ажаблантиради.

Туман ҳокимлигининг маҳаллий газетада босилган шу масалалар муҳокамасига тегишли бир ҳужжатида «Бинокор» савдо корхонаси раҳбари Ш.Равшановга аҳолига ажратилган ун маҳсулотини бошқа жойга сотиб юборгани учун чора кўриш «Сурхонсавдо» компаниясининг раисидан сўралсин, деган жумла бор. Ўша «бошқа жой» — нима дегани... — бозорми, чайқовми ё, ким билсин, хорижми, бу саволга энди Шерқобил Равшанов қатори Равшан Бойназаров ҳам жавоб бермоғи лозим эмасми?

Яна тумандаги иқтисодиётда қилинган ишлар якунига бағишланган йиғилишни эслаймиз. Ўша йиғилишда маъруза қилган Равшан Бойназаровга туман ҳокими биринчи ўринбосари, сиз ҳозир ишларини кўкка кўтариб мақтаган 34-қурилиш-таъмир корхонаси йил бошида синиб банкрот бўлмаганмиди, деб савол ташловди, бу гал энди ҳамма маърузачининг устидан очиқчасига кулиб юборди.

... Эслатиб ўтамиз: Р.Бойназаров Шўрчи туман ҳокимининг ўринбосари бўлиб ишлайди. Туман иқтисодиётига қўмондонлик қилади.

Соғлом авлод йили

# «Эй, азиз юртим, сени куйлаймиз!»

**Ж. САЪДУЛЛАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Тошкентдаги 30-меҳрибонлик уйининг тарбияланувчилари бу кунни бир умр эслаб юришади. «Итера» халқаро энергетика компаниясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси улар учун катта байрам уюштирди. 184 тарбияланувчига янги кийим-бош тортиқ қилиниб, маъмур дастурхон ёзилди, дош қозонда ош дамлаб тортилди.

— «Итера» Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг «Соғлом авлод йили» дастурини қўллаб-қувватлашга ўзининг камтарона ҳиссасини қўшиб келмоқда, — деди ваколатхона бошлиғи Жамшид Норов. — Бугунги тадбиримиз ҳам фарзандларимизда ўзининг буюк келажагини яратаётган мамлакатимизда адолат ва ижтимоий ҳимояланганликка ишончни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Суҳбатга меҳрибонлик уйининг директори Гулнора Хабирхонова қўшилди:

— Бу йил тарбияланувчиларимиз учун чинакам бахтли йил бўлди. Улар Президентимиз ва ҳукуматимизнинг ғамхўрлигини юракдан ҳис қилиб туришибди. «Итера» сингари ҳомийларнинг саъй-ҳаракатлари эса нур устига аъло нур. Компаниянинг аҳолининг ижтимоий муҳофазага энг муҳтож қатламлари — қариялар ва болаларни қўллаб-қувватлаётганидан мамнунмиз. Шундай эътибор ва меҳрибонликдан баҳра олаётган тарбияланувчиларимиз мамлакат учун фойдали, фидокор инсонлар бўлиб етишишлари учун жамоамиз ўз меҳнатини аямайди.

Тарбияланувчилар — «Умид» гуруҳининг қўшиқчи ва раққосалари байрамга алоҳида шукуҳ бағишлашди.



**Татьяна КРАВЧЕНКО олган сурат.**

# Республика Пул-кредит сиёсати комиссияси мажлиси

(Давоми. Боши 1-бетда).

тутилган даражадан анча паст бўлди. Андижон, Тошкент, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳрида эса муомаладан нақд пул олишга эришилди.

Шу билан бирга мажлисда Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Қашқадарё, Сурхондарё, Сирдарё ва Хоразм вилоятларида муомалага чиқарилган ҳар 100 сўмнинг 35-50 сўми банкларга қайтиб келмаётгани кескин танқид қилинди. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикасининг Кегейли туманида муомалага чиқарилган ҳар 100 сўмнинг 61 сўми, Мўйноқ туманида 57 сўми, Шуманай туманида 54 сўми, Бухоро вилоятининг Қоровулбозор туманида 91 сўми, Қашқадарё вилоятининг Муборак туманида 81 сўми, Усмон Юсупов туманида 64 сўми, Навоий вилоятининг Зарафшон ва Учқудуқ шаҳарларида 6О сўми, Томди туманида 55 сўми, Сурхондарё вилоятининг Музробод туманида 52 сўми, Сирдарё вилоятининг Ховос туманида 64 сўми ва Хоразм вилоятининг Қўшкўпир туманида 62 сўми банкларга қайтиб келмаган.

Мажлисда бу борада етарли ишлар олиб борилмаётганлиги, мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаётгани ҳамда ҳудудий Пул-кредит сиёсати комиссиялари фаолиятида қатъий назорат ва талабчанлик етишмаётгани кўрсатиб ўтилди.

Ҳудудий Пул-кредит сиёсати комиссиялари раҳбарлари зиммасига декабр ойининг қолган кунларида мавжуд аҳволни тубдан яхшилаш, жойларда савдони тўғри ташкил этиш, маҳаллий бозорларни харидоргир истеъмол моллари билан таъминлаш, пулли хизматлар турини кенгайтириш ва улар сифатини яхшилаш юзасидан зудлик билан тегишли чора-тадбирларни кўриш вазифаси топширилди.

Вазирлар Маҳкамасининг "Иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши учун вазирликлар, идоралар ва хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорининг ижроси муҳокамаси чоғида пенсия ва нафақалар ҳамда бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақлари ойма-ой ўз вақтида тўлаб борилаётгани ва бу борада узилишларга йўл қўйилмаётгани қайд этилди. Шу билан бирга жойларда мутасадди раҳбарларнинг хўжалик субъектларидаги мавжуд молиявий аҳволни яхшилаш юзасидан етарли чоралар кўрмаётганликлари, корхоналарда иш ҳақи тўлашдаги узилишлар сабабларини чуқур ўрганиб чиқмасликлари ва қарздорликни тугатиш бўйича тезкор чоралар кўрмаётганликлари натижасида республиканинг айрим ҳудудларида иш ҳақидан қарздорлик масаласи ҳамон тўлиқ ҳал этилмаган. Жорий йилнинг ўтган даврида банкротлик аломатларига эга бўлган, тўлов қобилиятини йўқотган, узоқ муддатдан бери иш ҳақи бўйича муддати ўтган қарздорликларга эга бўлган 197 та хўжалик субъектига оид ҳужжатлар Иқтисодий ночор корхоналар билан ишлаш қўмитасига тақдим этилди.

Мажлисда ҳудудий Пул-кредит сиёсати комиссиялари раҳбарлари зиммасига хўжалик субъектлари раҳбарлари ва хизмат кўрсатувчи тижорат банклари билан биргаликда икки ҳафта муддат ичида иш ҳақидан қарздорликка эга бўлган ҳар бир корхона фаолиятини чуқур таҳлил қилиб чиқиш ва мазкур қарздорликни йил охиригача узил-кесил тугатиш юзасидан барча зарур чора-тадбирларни кўриш вазифаси юклатилди.

Бундан ташқари, мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг "Тўлов балансининг даромад қисмини тўлиқ ва ўз вақтида тўлдирилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори талабларига мувофиқ "Ғаллабанк", "Содерот" Эрон шўъба банки ва Марказий Осиё Ҳамкорлик ва тараққиёт банкининг шўъба банкида экспорт-импорт шартномаларини ҳисобга олиш ишлари, хорижий валюта тушуми ва корхоналарнинг чет эл валютасини мажбурий сотуви аҳволи юзасидан ўтказилган текширувлар якунлари муҳокама қилинди. Ушбу банк раҳбарлари зиммасига хорижий валютадаги экспорт тушумлари ҳажмини ошириш ва мажбурий сотувнинг амалга оширилиши устидан таъсирчан назорат ўрнатиш вазифаси юклатилди.

(ЎзА).



## Улдона фермер

***Ангор туманида Улдона Искандаровани ҳамма тадбиркор опа дея ҳурматлайди. Опа 1994 йилда Қўзи Тўлаков номли жамоа хўжалиги ҳудудидан 10 гектар ер олиб деҳқончиликни бошлаган эди. Ҳозирда у бошлиқ фермер хўжалигининг 30 нафар аъзолари 58 гектар ерда деҳқончилик қилишмоқда. Улар жорий йилда пахта, ғалла каби экинлардан юқори ҳосил олишга эришишди.***

***Айни пайтда, мазкур хўжалик аъзолари даладаги қишки карам ва турп, шолғом, картошка ҳосилини йиғиштириб олмоқдалар. Улдона опа хўжалигида етиштирилган қишки карам ва сабзавотдан 40 тоннасини пойтахтликлар дастурхонига янги йил совғаси сифатида юбормоқчи.***

**СУРАТДА:** фермер Улдона Искандарова қишки карам ҳосилидан мамнун.
Искандар ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган сурат.

• Ислоҳот қирралари

# Соғлом рақобат – даромадга кафолат

Мамлакатимиз иқтисодиёти йилдан-йилга ривожланиб, халқ фаровонлигини ошириш йўлида дадил қадамлар ташланаяпти. Бозор муносабатларини жорий этиш, соғлом рақобатни шакллантириш бу борада муҳим аҳамият касб этаётганлиги шубҳасиз. Айтиш жоизки, вилоят иқтисодиётини юксалтиришда бошқармамиз зиммасига ҳам катта масъулият юклатилган. Шундан келиб чиқиб, фаолиятимиз самарадорлигини оширишга ҳаракат қилаяпмиз.

Кейинги ойлар мобайнида «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги, «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Реклама тўғрисида»ги қонунлар ва ҳукуматимизнинг бошқа бир қатор қарорлари юзасидан текширишлар ўтказилганда кўпгина нуқсонлар аниқланди. Маълум бўлишича, жойларда шартномавий (эркин) нархларни шакллантириш ва қўллаш амалиётига тўла риоя қилинмаётир. Жумладан, 69 та ҳолатда қонун талаблари бузилганлиги аниқланди.

Ушбу камчиликларнинг 28 таси савдо ташкилотлари, 25 таси таъминот корхоналари, 8 таси қурилиш ташкилотлари, 19 таси ишлаб чиқариш жамоалари ҳиссасига тўғри келади. Айниқса, белгиланган нархлар ва устамаларни ошириш, тарифларни нотўғри қўллаш, таннархга хом-ашё ва материаллар нархини ўринсиз киритиш, декларация қилинган нархлар ва тарифларни ошиқча қўллаш, фойдадан қопланадиган харажатларни таннархга ҳисоблаш истеъмолчилар манфаатларига жиддий путур етказмоқда.

Ана шундай қонунбузарликлар оқибатида 2000 йилнинг ўтган ўн ойи мобайнида салкам 21,5 миллион сўмлик асоссиз даромад олинганлиги аниқланди. Бошқарма кенгашининг қарори билан ноқонуний даромаднинг 18 миллион 800 минг сўми «Нархларни бошқариш жамғармаси»га, 2 миллион 600 минг сўмдан кўпроғи республика бюджетига ундириладиган бўлди. Бундай ўзбошимчалик «Ўзкимёсаноат» ассоциацияси тизимининг вилоятдаги корхоналари орасида кўпроқ учраётганлиги ташвишлидир. Бир қатор туман «Агрокимётаъминот» ҳиссадорлик жамиятлари томонидан минерал ўғитларга ошиқча устама қўйиш, қўшилган қиймат солиғини нотўғри қўллаш, идишларни юқори баҳолаш ҳисобига хўжаликлардан ортиқча маблағ олинган. Оқибатда «Ўзкимёсаноат» тизимидаги корхоналарнинг қонунсиз даромадлари 3 миллион 724 минг сўмдан ошиб кетганлиги аниқланди.

Маълумки, вилоят итисодиёти қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнига кўп жиҳатдан боғлиқ. Бугунги кунда давлат буюртмаларини бажаролмаган хўжаликларнинг молиявий аҳволи анча оғир. «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттаъмир» давлат кооператив қўмитасининг вилоятдаги 14 та корхонаси айнан шундай хўжаликлар ҳисобидан ўз «жамғарма»ларини бойитишга бел боғлаган кўринади. Акс ҳолда улар бир мавсумда олинган техникаю эхтиёт қисмлар ҳисобидан 2 миллион 777 минг сўм фойда қилишармиди?

«Жиззахободончилик» ҳиссадорлик жамиятида бажарилган иш ҳажмини ошириб кўрсатиш фойда ҳисобидан қопланадиган харажатларни тўғридан-тўғри таннархга киритиш ҳисобига 4 миллион сўмдан зиёд ортиқча даромад олинган. Вилоят электр тармоқлари ва Ғаллаорол газ узатиш бошқармалари фаолиятида ҳам шунга ўхшаш нуқсонлар мавжудлиги аниқланди. Қилмиш-қидирмиш, дейдилар. Кўзбўямачиликка йўл қўйган ташкилот раҳбарларига нисбатан қонуний чоралар кўрилди.

Шуни таъкидлаш лозимки, бозор муносабатларига ўтишнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий жиҳатларини таъминлаш, тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида «Вилоят товар бозорларини монополиядан чиқаришнинг иқтисодий-ҳудудий дастури» қабул қилинди. Вилоят ҳокимлиги томонидан тасдиқланган ушбу дастурда қўшма корхоналар фаолиятига алоҳида эътибор қаратилган. Ҳозирги кунда «ЎзЭксайд» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонасида 11 миллион 500 минг доллар миқдоридаги асбоб-ускуналарни ўрнатиш ниҳоясига етмоқда. Бу ерда 18 киши иш билан таъминланди.

«Ўзенгилсаноат» тизимидаги Ш.Рашидов номли ҳиссадорлик жамияти Германиянинг «Зюсин, Грюглер, Гросенлайнер» фирмаси билан ҳамкорликда ташкил этган қўшма корхона қурилишига 30 миллион АҚШ доллари сарфланиши мўлжалланмоқда.

Кейинги йилларда вилоятда енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга эътибор сусайганлиги сир эмас. Мавжуд корхона фаолиятининг тўхтаб қолгани эса айрим хусусий тадбиркорларга қўл келди. Тайёрланган маҳсулотлар, айниқса, болалар кийимлари нархи кескин ошди. Янги қўшма корхона аҳолининг мана шу борадаги эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилади. Демак, соҳада жиддий ўзгаришлар бўлиши аниқ.

Эронлик тадбиркорлар билан ҳамкорликда барпо этилган «Файзиё» кўп тармоқли фирмаси озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Турли ҳажмдаги, бежирим идишларга қадоқланган сифатли маҳсулотлар харидорларга манзур бўлмоқда.

Бошқармамиз корхоналарда ишлаб чиқаришни ташкил этиш, қурилишга амалий ёрдам кўрсатиш борасида ўз режасига эга. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, мониторинг кузатувлари ўтказишга жиддий эътибор берилаяпти. Яқинда ўтказилган текширувда «Жиззахгўштсутсавдо» ҳамда «Баққоллик» ҳиссадорлик жамиятларида истеъмолчилардан салкам 30 минг сўм асоссиз даромад олинганлиги маълум бўлди. Бундай ҳолларга йўл қўймаслик учун тегишли чоралар кўрилмоқда.

Халқ хўжалиги тармоқларида сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ва нарх-навонинг қонунийлигини таъминлаш, соғлом рақобат муҳитини яратиш, истеъмолчилар манфаатини кафолатли ҳимоялаш олдимизда турган асосий масаладир. Шу мақсадда бошқарма қошида «ИШОНЧ» телефонлари ташкил этилди.Текшириш натижалари маҳаллий матбуот, радио, телевидение орқали мунтазам ёритиб борилмоқда. Ўйлайманки, буларнинг ҳаммаси иш сифати ва самарадорлигини оширишга, жойларда соғлом рақобат муҳитини шакллантиришга хизмат қилади.

**Зафар МУҲАММАДИЕВ,**
**Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Жиззах вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари.**



• Газета танқидидан сўнг

# Айбдорлар баҳосини олди

***«Халқ сўзи», 2000 йил 27 октябр***
***«Қилдан қийиқ қидирманг»***

***Юқоридаги сарлавҳа остида чоп этилган мақолада Наманган вилоятидаги Учқўрғон тумани давлат солиқ инспекциясининг айрим ходимлари ноқонуний текшириш ўтказганликлари танқид тиғи остига олинган эди. Газета чиқишига Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасидан қуйидаги жавобни олдик.***

«Халқ сўзи» рўзномасининг 2000 йил 27 октябрдаги 214-сонида чоп этилган «Қилдан қийиқ қидирманг» номли мақолада келтирилган ҳолатлар Давлат солиқ қўмитаси томонидан атрофлича ўрганиб чиқилди. Ўрганув ишлари натижасига кўра қуйидагиларни маълум қиламиз.

Мақолада кўрсатилганидек, Наманган вилояти Учқўрғон тумани Давлат солиқ инспекцияси ходимлари А. Қирғизбоев ва Б. Тошбоевлар «Учқўрғон-5» дорихона ҳиссадорлик жамиятининг савдо шохобчасида назорат тартибидаги текширишни 2000 йил 24 февралда бошлаб, 26-27 феврал, яъни дам олиш кунлари бўлганлиги туфайли 25 феврал куни савдо шохобчасининг эшикларини муҳрлаганлар. Текшириш муддати 2000 йил 27 февралда тугаганлиги сабабли текшириш ўтказиш муддати 29 февралгача узайтирилган.

Текширувчилар текширишни давом эттириш учун ҳиссадорлик жамиятига келганда, ҳиссадорлик жамияти раиси Б. Бойзоқов буйруқ якшанба куни чиқарилганлиги ва қонуний кучга эга эмаслигини билдириб текширишни давом эттиришга розилик бермаган. Савдо шохобчаси муҳрини очмаган текширувчилар эса тўпланган ҳужжатларни 2000 йил 29 февралда Учқўрғон тумани судига тақдим этганлар. Шу билан текширувчилар Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 18-моддаси талабларига зид равишда савдо шохобчаси фаолиятини 2000 йилнинг 1- мартидан 16 мартигача тўхтатиб қўйганликлари маълум бўлди.

Ҳиссадорлик жамияти раиси Б. Бойзоқов Учқўрғон тумани Давлат солиқ инспекциясининг ходимларига нисбатан киритган даъво аризаси билан вилоят хўжалик судининг Давлат солиқ инспекциясидан ҳиссадорлик жамияти ҳисобига 78832 сўм етказилган зарарни ундириб бериш тўғрисида ва Уйчи тумани судининг солиқ идорасидан даъвогар — ҳиссадорлик жамияти ғазначиси М. Йўлдошевага 10100 сўм моддий ва 30000 сўм маънавий ҳамда Б. Бойзоқовга 33100 сўм моддий ва 50000 сўм маънавий етказилган зарарни ундириш тўғрисида ҳал қилув қарорлари қабул қилинган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ўтказилган чора-тадбирлар натижасида Учқўрғон тумани Давлат солиқ инспекциясининг собиқ бошлиғи Р. Тўраев «Учқўрғон-5» дорихона ҳиссадорлик жамиятининг савдо шохобчасида назорат тартибидаги текширишни қонун талаблари асосида ўтказилишини таъминламаганлиги, текширувчи масъул ходимлар устидан назоратни сусайтириб юборганлиги ва текшириш мобайнида Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 18-моддаси талабларини бузган ҳолда савдо шохобчаси фаолиятини 16 кунга тўхтатиб қўйилишига эътиборсизлик қилганлиги учун қаттиқ интизомий жазога лойиқ деб топилди. Унга Наманган вилояти Давлат солиқ бошқармаси Кенгашининг 2000 йил 29 сентябрдаги 11/25-сонли қарори билан интизомий жазо сифатида «хайфсан» эълон қилинганлиги ҳамда ҳозирги вақтда эгаллаб турган лавозимидан озод қилиниб, бошқа ишга ўтганлиги инобатга олинди.

Наманган вилояти Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи А. Каримовга Учқўрғон тумани Давлат солиқ инспекцияси ходимлари томонидан «Учқўрғон-5» дорихона ҳиссадорлик жамиятида қонун талабларини бузиб текшириш ўтказилганлиги, текширувчи масъул ходимларнинг жавобгарлик масъулияти кўриб чиқилмаганлиги, шу сабабли кўплаб ариза ва шикоятлар келиб тушганлиги, бу борада қуйи солиқ идоралари фаолияти назоратдан четда қолганлиги кўрсатиб ўтилди ва унинг зиммасига мазкур хато-камчиликларнинг келиб чиқишига сабабчи ходимларнинг эгаллаб турган лавозимида қолиш-қолмаслик масаласини кўриб чиқиш вазифаси юклатилди.

Қайд этилган нуқсонларга такроран йўл қўймаслик мақсадида Давлат солиқ хизмати органларининг барча бўғинларига бу борада тегишли чора-тадбирларни белгилаш ва хўжалик юритувчи субъектларда ўтказилаётган текширишлар устидан назоратни кучайтириш тўғрисида кўрсатма юборилди.

RISO ГРАФЛАР ТАҚДИМОТИ



***Тошкент қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш инженерлари олийгоҳи билан RISO фирмасининг расмий дилери — «SYTECO» Қўшма корхонаси ҳамкорликда мамлакатимиз маорифи ва олий таълим тизимидаги барча қизиқиш билдирган ташкилот раҳбарларини 2000 йил 22 декабр куни соат 10.00 да бўлиб ўтадиган RISO техникаси ва технологиялари тақдимотида иштирок этишга таклиф қилади.***
***Тақдимот Тошкент қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш инженерлари институти бош корпусида, қуйидаги манзилда бўлиб ўтади: Тошкент ш.,Қори-Ниёзий к.,39***

**Тақдимот дастурида:**
- **Тошкент шаҳри олий ўқув юртлари вакиллари иштирокида матбуот конференцияси;**
- **RISO жиҳозлари намойиши;**
- **200 — юбилей Ризографининг тантанали топширилиши.**

**Ажойиб техник-иқтисодий кўрсаткичларга эга бўлган Ризографлар бугунги кунда республикамиздаги барча олий ўқув юртларига ўз илмий-методик адабиётларини чоп этишда жуда асқотади.**

**Маълумот учун телефонлар:133-09-74,133-53-32,173-33-13,173-33-14.**

Реклама ва эълонлар
136-09-25

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

*Кунига 24 соат ва ҳафтасига 7 соат*

автоматлаштирилган компьютер тизимидан фойдаланиб, реал давр шароитида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш бўйича банк хизматларининг ишончли ва қулай турини таклиф этади

**«БАНК-МИЖОЗ»**

**деб аталган масофадан хизмат кўрсатиш тизими**

**уйдан ёки офисдан чиқмай туриб, ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш, ўз ҳисобварақлари ҳолати, улар бўйича кирим ва чиқим тўловлари тўғрисида батафсил маълумот олиш, банкнинг тегишли хизматлари билан амалий ёзишмаларни юритиш имкониятини таъминлайди**

NBU

**Янги хизмат тавсифи билан боғлиқ бўлган барча масалалар юзасидан маслаҳатни қуйидаги телефонлар орқали олишингиз мумкин: (99871) 137-59-37, 137-59-60**

*Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки — пулларингиз сақланиши ва даромадлилигига кафолатдир.*

3539



# Барҳаёт наволар

***Бугун Хоразмда Комилжон Отаниёзов номидаги II Республика хонандалар танлови бошланади***

Ўзбек миллий маданияти ривожига улкан ҳисса қўшганлиги учун Ватанимизнинг юксак мукофоти — «Буюк хизматлари учун» орденига сазовор бўлган марҳум санъат усталари орасида Ўзбекистон халқ артисти Комилжон Отаниёзов ҳам бор. Машҳур ҳофиз бу эъзозга ўзининг ҳаёти ва санъатини Ватан, халқ, миллат тараққиётига бағишлаганлиги туфайли мушарраф бўлди.

Комилжон Отаниёзов бетакрор истеъдод соҳиби эди. У яратган дилрабо қўшиқлару беназир куйлар турфа қалбларни бирдай ром этди. Қатор хорижий элларда ҳам эътибору қадр топди. «Ёт элларнинг боғи билан боғчаси Хоразмнинг янтоғинча кўринмас», — деб хитоб этган куйчи юртдошларимиз қалбида ватанпарварлик туйғусини бетўхтов ёлқинлантирган бўлса ажабмас.

Ўтган хонандалар танлови ёш ижрочилар ҳофиз меросини пухта ўрганаётганликларидан, элга манзур куй ва оҳанглар уйғунлигини чуқур ҳис қилишларидан дарак берган эди. Энг муҳими унинг ижодига ихлос қўйган, уни ўзига устоз деб билган ёш истеъдодлар нафақат Хоразм, балки республикада кўпаймоқда.

Бугун Урганчда Комилжон Отаниёзов ҳаёти ва ижодига бағишланган илмий-амалий конференция ўтказилади. Маърузаларда ижодкор меросининг турли қирраларига эътибор қаратилади.

Танлов иштирокчилари уч кун мобайнида Огаҳий номидаги вилоят театрида бир неча босқичдан иборат маҳорат ва истеъдод синовларида беллашадилар. Бу галги танлов қатнашчилари сони ўтган сафаргидан анча зиёд. Танлов шартлари ҳам анча такомиллаштирилган.

Хуллас, Хоразмда бир неча кун давомида кўплаб санъат ихлосмандлари иштирокида яна бир байрам ўтказилади. У улуғ аждодларимиз руҳини шод этгусидир!

**Сотим АВАЗ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Шикоятлар гурунги

*Ҳажв тиғи остида*



Хатларнинг ҳасратлашганини эшитганмисиз? Ҳа, дарди бир бўлгандан кейин улар ҳам ҳасратлашар экан. Дастлаб гапни Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, А. Навоий номидаги жамоа хўжалигидан келган хат бошлади:

— Туман халқ таълими бўлимига қарашли 56-мактабдаги аҳвол тўғрисида гапирмоқчиман. Мактабда 400 дан зиёд ўғил-қиз ўқийди. Аммо кўнгилдагидек таълим-тарбия олишлари учун шароит йўқ ҳисоби. Аввало, мактаб биноси нураш арафасида. 1930 йилда қурилган, ҳанузгача тузатиб таъмирланмаган. Кўчадан каттароқ мошин юк билан тезроқ ўтса, бино босиб қолиши мумкин. Мактабдан 50 метр масофада газ қувури ўтган, аммо уни мактабга олиб кириб бериш ҳеч бир раҳбарнинг эсига келмайди. Шунга яраша бирор машина кўмир ёки бирор ёқилғи бўлса ҳам майли эди.

— Дардимиз бир экан, — қўл силтаб гапга қўшилди Наманган вилояти, Уйчи тумани, Қизилравот қишлоғидан келган хат. — Бизнинг Янгиер маҳалла аҳли 400 метр жойдан газ қувури тортиб келолмай 10 йилдан буён овора. Бормаган идоралари қолмади — қуруқ ваъдаларга эга бўлишди. Республика телерадиокомпаниясининг «Оқшом тўлқинлари», «Қармоқ», «Давр», «Ахборот» каби дастурларига, бир қанча газеталарга арзу ҳол қилишди: натижа ўша-ўша!

— Намунча газлаштириш керак, деб дод-фарёд кўтарасизлар? — зарда билан гапира кетди Фарғона вилояти, Бағдод тумани, Олчин қишлоғидан келган мактуб. — Мана, мен газлашган хонадон соҳибларидан келганман. Газлашиб олсак, бу ёғи маза деб ўйлайсизлар-да! Мен ёзилгунча бўлган ҳангомаларни айтсам, ишонмайсизлар. 90-йилларда Олчин қишлоғи ҳам газлаштириладиган бўлди. Ҳамма хурсанд. Шу йили қурби етганлар хонадонларини газлаштириб, қишни жуда яхши ўтказишди. Келаси йили хонадонларни газлаштириш мусобақага айланиб кетди: кимдир мол-қўйини сотиб, кимдир қарз олиб, кимдир кўмир ёки ўтин пулини сарфлаб уйига газ киритди. Кузда ёниб турди, аммо қиш қиличини яланғочлаши билан ўчиб, баҳоргача ёнмади. Газлаштириш идорасига, юқори ташкилотларга югур-югур бошланди: «ГРПнинг қуввати етмаяпти, янгидан икки-учта олиб қўйинглар», деган жавобга эга бўлишди. Шоша-пиша ГРПнинг изидан тушишди. ГРПлар ўрнатилди, аммо газ қурғур ёнмади. «Қувурларингнинг сиғими тор экан, каттароғини қўйинглар», деб ўргатишди мутасадди раҳбарлар. Йиғди-йиғди қайтадан авж олди: таклифлар амалга оширилди. Афсус газ деганлари олчинликларнинг бу яхшилигини ҳам билмади: яна ёнмади. «Тепадан, туманга келган қувурлар чатоқ экан. Бир неча ўн километрдан катта қувур ётқизилса, кейин газ ёнаркан», деган гап чиқди. Аммо бизникилар тақдирга тан беришди. «Ўзимизнинг сандалдан қўймасин!» дейишиб, эски усулда ҳаёт кечиришни бошлашди.

— Ҳе-ҳе-ҳе! Мен гапирмасам ҳам бўлавераркан, — қиқирлаб кулди Сурхондарё вилояти, Қизириқ тумани, Кунчиқиш жамоа хўжалигидан келган хат. — Бизда ёзда газ бўлади. Кузга келиб сал пастлайди. Қишда ўчади. Аммо, жўралар, сизларнинг арз-ҳолларингни эшитиб, меники ҳеч нарса эмаслигини тушундим. Сизларга сабр-тоқат берсин! Қишдан эсон-омон чиқиб олинглар! Ёзда, газ ёнганда биз томонларга келинглар, чой қайнатиб бераман!

Бу суҳбат қаерда, қачон бўлибди, дерсиз? Ўнлаб-юзлаб имзолар чекилган шикоят хатларини ўқиб ўтириб, кўзим кетибди: хатларнинг ҳасратларини тушимда кўрибман! Ҳа, газлаштириш идораларидаги акаларимиз ухлашганда мен ухласам нима қилибди? Ухлашмаса ёки уйқусираб ўтиришмаса, юқоридагидай ҳолатларга йўл қўйишармиди?! Йўқ, албатта. Балки ушбу битикларни ўқиб, уйқулари ўчиб, сергак тортишар. Юқоридаги нуқсонларга, ажаб эмас, нуқта қўйишиб, бизга хушхабарлар йўллашар? Албатта?!

**Саид АНВАР,**
**ёзувчи.**

## Ҳадиси шариф дурдоналари

***Аллоҳ таолога қасамёд қилиб айтаманки, то ўзаро яхши кўришмагунингизча мўмин бўла олмайсизлар. Сизларга бир нарса айтайми, агар шуни қилсаларингиз яхши кўришасизлар: ўзаро ошкора салом беришни одат қилинглар, кенг тарқатинглар.***

***Жаннатга кирдим ва эшиги устида ёзилган ушбу ёзувни кўрдим:***

***«Садақага 10 та савоб, қарзга 18 та савоб».***

***Дедимки: «Эй Жаброил, қандай қилиб садақага 10 та савоб, қарзга 18 та савоб бўлди?»***

***Дедилар: «Чунки садақа бойнинг ҳам, фақирнинг ҳам қўлига тушиши мумкин, лекин қарз муҳтож одам қўлига тушади».***

## • Жумбоқ



*Гулмурод то Эверест чўққиси дунёда энг баланд эканлиги аниқланмагунча қайси тоғ юксак эканлигини эслолмади. Буни сиз биласизми?*

* * *

**7 декабр сонда берилган жумбоқнинг жавоби: 59-кун – буни тескари ҳисоблаш орқали аниқлаш мумкин.**

Бу ҳақда таҳририятта тошкентлик Венера Юсупова ва паркентлик Неъмат Исломов 136-35-60 рақамли телефон орқали хабар қилишди.

**Ғазетхонларимиз бизга қўнғироқ қилиб, нега жумбоқлар эълон қилинмаётгани билан қизиқяптилар. Таҳририят бундан буён қизиқарли жумбоқлар беришда давом этади.**




Илҳом ЗОЙИРОВ чизган расм.

«MALVIL» МЧЖ *саноат электр жиҳозларини жаҳондаги машҳур корхоналардан бевосита етказиб беради.*

**АККУМУЛЯТОРЛАРНИ КУЧЛАНТИРУВЧИ ВА ДВИГАТЕЛЛАРНИ ЮРГИЗУВЧИ ҚУРИЛМАЛАР (12; 24V)**

Ишлаб чиқарувчи: **Италия** (CEMONT).

**ЭЛЕКТР ПАЙВАНДЛАШ ЖИҲОЗЛАРИ**

Ишлаб чиқарувчилар: **Италия** (CEMONT), **Украина** (SELMA).

КАФОЛАТ. ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАР ЕТКАЗИБ БЕРИЛАДИ. ТЕХНИК ХИЗМАТ.

2771

700000, Тошкент ш., В. Малясов кўчаси, 3, 113,115-хоналар.
Тел.: (998-71) 120-68-36, (998-712) 41-31-24, 30-20-36. E-mail: malvil @ operamail. com.

**ХАВФСИЗЛИКНИНГ МАХСУС ТИЗИМЛАРИ!**

ЕВРОПА ВА РОССИЯЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРНИНГ РАСМИЙ ВАКИЛЛАРИ.
БАНКЛАР, ОФИСЛАР, ЭЛЧИХОНАЛАР, АЭРОПОРТЛАР, ДАВЛАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ УЧУН ЭНГ ЗАМОНАВИЙ ЖИҲОЗЛАР:

- профессионал видеокузатув тизимлари.
- авиапарвозлар ва божхона хизматлари учун рентген назорат тизимлари. *HEIMANN SYSTEMS.*
- металл детекторлари: пештоқли, портатив.
- махсус хизматлар учун махсус техника.
- қуввати 1500 м.ли махсус ёритгичлар.

ЕТКАЗИБ БЕРИШ, СОЗЛАШ, ИШГА ТУШИРИШ, ТЕХНИК ЁРДАМ.
Манзил: Тошкент ш., Кичик Бешёғоч к., 189. Мўлжал: «Локомотив» стадиони.
Тел./факс: (998 71) 191-09-09, Тел.:(998 71) 191-30-00.

3527

**МУҲТАРАМ ХОНИМЛАР ВА ЖАНОБЛАР!**

**ЯНГИ АСРДА ХАЛҚ БАНКИНИНГ ҚУЙИДАГИ ХИЗМАТ ТУРЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИНГ:**

- *товар ва хизматлар учун нақд пулсиз ҳисоб-китоблар;*
- *ишчи-хизматчиларнинг иш ҳақларини банк муассасалари орқали тўлаш;*
- *жисмоний ва юридик шахсларга кредит бериш;*
- *аҳолига коммунал, газ ва электр энергияси учун тўловлар қабул қилиш;*
- *қимматликларни сақлаш бўйича сейфларни ижарага бериш;*
- *қимматбаҳо қоғозлар билан муомалаларни амалга ошириш;*
- *юридик шахсларга депозитар хизматлар кўрсатиш;*
- *валюта муомалалари, хорижий валюталарни четга олиб чиқиш учун рухсатномалар бериш;*
- *омонатларнинг ўндан ортиқ турлари;*

**Ўз жамғармангизни Халқ банкида сақлаб, Сиз катта миқдордаги даромадлар ва пул ютуқлар соҳиби бўласиз**

Сиз Халқ банкининг **«ОМАД»** ёки **«ЖАМҒАРМА»** пул-ютуқли омонатларига маблағларингизни қўйиб, бир йилда икки марта ўтказиладиган ютуқлар тиражи якунига кўра, катта миқдордаги даромадлар ва пул ютуқлари соҳиблари бўлиш имкониятларига эга бўласиз.

**Халқ банки олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабаси бўлишни хоҳлаганлар учун «Абитуриент» мақсадли омонатини таклиф этади:**

Бизга аъзо бўлиб, республикамизнинг олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таҳсил олиш учун тўланадиган маблағни банк кредити ҳисобидан тўлашингиз мумкин

**Халқ банкининг янги «Абитуриент» мақсадли омонати — ўрта махсус ва олий маълумот олиш учун ишончли таянчдир!**

**Шахсий уй-жойга эга бўлишни истайсизми?**

Халқ банки мижозлари учун — бу истак эмас, балки ҳақиқат. Халқ банки Сизнинг истагингизни амалга оширишда яқиндан ёрдам бериб, уй-жой қуриш учун ўн йил муддатгача кредит беради.

**Халқ банки кредити — бу Сизнинг бугунги орзуингиз рўёбга чиқишидаги катта имкониятдир!**

**Халқ банкининг янги йил совғаси!**

Янги аср бошида Халқ банкининг «Совға» лаҳзали пул-ютуқли лотереясини харид қилиб, Сиз дастлабки ўн йил давомида ҳар ойда ўз жамғармангизни 10000 сўмдан бойитишингиз ёки янги асрнинг биринчи йилидаёқ шахсий автомобилга, шунингдек, 3000000 сўмлик пул ютуқларига эга бўлишингиз мумкин.

**Ўз омадингизни синаб кўринг!**

**МАБЛАҒЛАРИНГИЗНИНГ САҚЛАНИШИ ФАҚАТ ХАЛҚ БАНКИ МУАССАСАЛАРИДАГИНА ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ИШОНЧЛИ ҲИМОЯ ҚИЛИНГАНИ ВА КАФОЛАТЛАНГАНЛИГИНИ УНУТМАНГ.**

*Халқ банки янги мингйилликда ҳам Сизнинг ишончли ҳамкорингиз бўлиб қолади!*

**Сизни қизиқтираётган барча қўшимча маълумотларни Халқ банкининг туман (шаҳар) бўлимларидан ёки қуйидаги телефонлар орқали олишингиз мумкин: 173-69-15, 173-69-19, 173-86-80.**

3573

**UCD Group**

UCD Group MICROS

E-mail: sales@ucd.uz; ucd_sale@ucd.uz

http://www.ucd.uz
манзил: С. Азимов к., 72а; К. Махсумов к., 72; Сулаймонов к., 29; «Нукус» к., 24

КОМПЬЮТЕРЛАР 2 ЙИЛ КАФОЛАТИ БИЛАН

COMPUTERS CASES

Компьютерларнинг турли хилини буюришингиз мумкин

NEW MT-02 Blue; NEW ATX-8A; NEW MX-02; NEW MX-02K

Телефонлар:
- 120-6861
- 120-6862
- 133-9913; 132-0661
- 132-1277; 132-1433
- 139-1897; 139-4478
- 133-4341

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги жамоаси вазирлик Консуллик бошқармаси бўлими мудири Садритдин Нуритдиновга падари бузруквори **ҒУЛОМИДДИН отанинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

2-Автокомбинат очиқ турдаги акциядорлик жамияти бошқарув кенгаши ва касаба қўмитаси жамият бошқарув раиси Убайдулла Валиевга оналари **КАРИМА ҳожи аянинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети жамоаси ўзбек тили кафедраси ўқитувчиси Ориф Ҳамроевга опаси **Турсуной ҲАМРОЕВАнинг** бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. Егоров (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Ш. Ризаев, С. Зинин, М. Миралимов, С. Муҳиддинов, М. Сафаров, Р. Фарҳодий, И.Худоёров, И. Шоғуломов, О. Қаипбергенов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Хатлар бўлими 136-29-89; Котибият 133-10-28;
Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 1115. 18120 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва оператор Жамшид ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — И. Худоёров.
Навбатчи — М. Холматова.
Мусаҳҳиҳ — А. Сатторов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Босишга топшириш вақти—21.00 Босишга топширилди: 21.10 1 2 3 4 5 6